2010-yil 17-iyul № 85 (2810) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.*

*Ислом КАРИМОВ*

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

***2010 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 29 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.***

Мажлисда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашни, ундаги таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳамда шу асосда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини, унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш ва самарадорлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмади.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги сотиш бозорларига фаол кириб бориш ҳисобига экспорт ҳажмининг 14,3 фоизга ўсиши таъминланганлиги ҳамда ташқи савдо айланмасининг сезиларли миқдордаги ижобий салдосига эришилганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳисобот даврида жаҳоннинг 139 мамлакатига, шу жумладан, 26 янги мамлакатга товарлар ва хизматлар экспорт қилинди.

Ушбу масала бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари олдига экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)нинг турларини янада кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, сотишнинг анъанавий йўналишларида мавқени мустаҳкамлаш ва янги хорижий бозорларни ўзлаштириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини барқарор кредитлаш учун кредит ресурсларининг узоқ муддатли манбаларини жалб этиш, банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг бажарилиши батафсил кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатлари ҳажми йил бошидагига нисбатан 41,8 фоизга ўсди, банкларнинг ресурс базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, бу эса кредит қўйилмалари 30,3 фоизга ўсишини таъминлаш имконини берди. Ҳисобот даврида ўзлаштирилган инвестиция кредитлари ҳажми 2,3 баравар кўпайди.

Тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботларида банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, айниқса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни, шу жумладан, банкларнинг балансларига берилган банкрот корхоналар негизидаги лойиҳаларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилиши, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиши батафсил кўриб чиқилди.

Қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган 223 та ер массивида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй қурилиши амалга оширилиб, уларнинг 2010 йил учинчи чоракда фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда, янги қишлоқ турар-жой массивларига туташ 213,9 км. узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини қуриш тугалланди. Ҳисобот даврида қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги корхона, шу жумладан, 25 та ғишт ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига «Даварҳитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2011 йилда қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларни қуриш ва таъмирлаш дастурини бажариш доирасида, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш объектларида 190,6 млрд. сўм ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди, йўлбўйи инфратузилмаси ва сервис объектлари қурилмоқда ва фойдаланишга топширилмоқда. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажми 22 фоизга ўсди, «Ангрен» логистика маркази ўз фаолиятини бошлади.

Мажлиснинг кун тартиби доирасида нақд пул айланишини янада такомиллаштириш, нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ тушишини таъминлаш ва пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш доирасида чиқарилган пластик карточкалар ва ўрнатилган терминаллар сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 38,7 фоизга ва 66,5 фоизга ошди, шунга мувофиқ пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2,7 баравар ошди.

Мажлис иштирокчилари томонидан нақд пулсиз муомалани кенгайтириш ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши сабабларини бартараф этишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг барқарор ишлашини, молиявий мустаҳкамлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш дастурларини сўзсиз бажариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши 7,1 трлн. сўм миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштиришни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,3 баравар кўп ўзлаштиришни таъминлаганлиги қайд этилди. Ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, шунингдек, 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш давомида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашга доир дастурий чора-тадбирлар бажарилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди.

Тармоқларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада ошириш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига иқтисодиёт тармоқларида энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишини, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қабул қилишни таъминлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг натижадорлигини муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар қурилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 509 мингтадан ортиқ иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари олдига, биринчи навбатда, ташкил этилаётган иш ўринлари сонини кўпайтириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

# Баркамол авлод — мамлакат келажаги



## Буюк боболарнинг муносиб ворислари

**Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасига муносабат тубдан ўзгарди. Тизимда рўй бераётган ўзгаришлар нафақат ўзимизда, балки халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, эътироф этилмоқда.**

Бу мамлакатимиз жамоасининг 2010 йил 2-14 июл кунлари Қозоғистон Республикасининг Остана шаҳрида ўқувчилар ўртасида ўтказилган математика фани бўйича халқаро олимпиададаги иштирокида ҳам яққол кўзга ташланди. Терма жамоамиз илк маротаба йирик натижага эришди. 51-халқаро математика олимпиадасида Умидахон Жўраева, Иброҳимбек Акромов, Жафар Абдураҳимов ва Зариф Ибрагимов кумуш, Азизхон Назаров бронза ҳамда Жасурбек Баҳромов рағбатлантирувчи дипломни қўлга киритишди.

— Ушбу олимпиадада муваффақиятли иштирокимиз замирида давлатимизнинг ёшларга бераётган юксак эътибори ётибди. Фурсатдан фойдаланиб, математика фани сирларини ўрганишимда жонкуярлик қилган устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — деди олимпиада кумуш медали совриндори Умидахон Жўраева. — Бундан кейин ҳам юртимиз нуфузини кўтариш, тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламан.

Маълумки, Халқаро математика фан олимпиадаси дунёда энг нуфузли олимпиадалардан ҳисобланади. Олимпиаданинг асосий мақсади иқтидорли мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш ва уларнинг математика фанига қизиқишини кучайтиришдан иборат. Мазкур олимпиада биринчи марта 1959 йили Руминияда ўтказилган бўлиб, унда 7 мамлакатдан ўқувчилар иштирок этган бўлса, жорий йилдаги 51-халқаро математика олимпиадасида 96 мамлакатдан 517 нафар ўқувчи қатнашди. Таъкидлаш жоиз, мамлакатимиз ўқувчилари мазкур олимпиадада 1997 йилдан буён қатнашиб келмоқда. Жамоамиз 1997-2009 йилларда 4 та кумуш, 20 та бронза медали ва 19 та рағбатлантирувчи диплом соҳиби бўлган.

— Албатта, ушбу муваффақият ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бунинг учун катта тайёргарлик кўрдик. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Халқаро математика олимпиадасида иштирок этувчи Республика терма жамоасини шакллантириш мақсадида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида математика фанидан танлов ўтказилди. Танлов натижасида 119 ўқувчидан Халқаро математика олимпиадасида иштирок этувчи 6 нафар ўқувчи аниқланди, — деди жамоа раҳбарларидан бири, физика-математика фанлари номзоди Шуҳрат Исмоилов.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган сурат**




## Конференциядан конференциягача

***Яқинда Сирдарёда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 5-конференцияси бўлиб ўтди. Унда бирлашма раиси К.Оқбўтаевнинг Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 2005 йилнинг мартидан 2010 йилнинг июлигача бўлган фаолияти юзасидан ҳисоботи ва вилоят касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.***

# Таҳлил, вазифа ва масъулият

Таъкидландики, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят тармоқ касаба уюшма органлари ва уларнинг қуйи ташкилотлари ҳамкорлигида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Асосий эътибор бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизликни таъминлашга, маданий-маърифий ишларни яхшилашга, касаба уюшма фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган.

Ижтимоий шерикчилик асосида қабул қилинган жамоа келишувлари ва шартномаларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган. Вилоят касаба уюшма органлари томонидан ЎзКУФҚ ижроия қўмитасининг 2009 йил 19 октябрдаги «Жамоа келишувлари тузилиши ва бажарилишининг бориши тўғрисида»ги қарори асосида жамоа келишувлари экспертиза қилиниб, рўйхатдан ўтказилаяпти. Бугунги кунда вилоят бўйича 12 тармоқ, 11 та туман келишуви, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, ВКУТБ ҳамда савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2010 йил учун минтақавий келишув тузилган бўлиб, уларнинг бажарилиши таъминланмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар миқёсида эса жамоа шартномаларига амал қилинмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса касаба уюшмаларига катта масъулият юклайди.

# Энг оммавий, энг нуфузли

## навбатдаги ҳаракатлар ҳам шунга яраша бўлишини тақозо этади

***Ҳисобот бериш ҳамиша оғир. Мураккаблик томони шундаки, зиммага юкланган вазифалар кўп, ижро йўл-йўриқлари ундан-да серқирра бўлиб, баҳо ҳам ҳар бир қўл урилган ишнинг аҳамияти, кўлами ва албатта, бажариш муддати, сифат даражасига қараб берилади.***

Бугунги кунда касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳисобида турган 7512 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг 6768 тасида жамоа шартномалари, 1 та вилоят миқёсидаги ҳудудий, 15 та тармоқ келишувлари, 23 та туман миқёсидаги ҳудудий-тармоқ келишувлари тузилган бўлиб, улар орқали 247671 нафар ходимнинг бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари қамраб олинган.

Меҳнаткаш оммага энг яқин ва бевосита алоқада бўлган нуфузли жамоат ташкилотининг фаолият доираси шу қадар кенг кўлам касб этиши табиий бир ҳол, албатта.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларининг деярли барчасига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган. Корхоналарда асосий меҳнат таътилларининг энг кам миқдори 18-21 кун қилиб белгиланган. Эътиборли жиҳати ноқулай, оғир ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган меҳнат шароитларида ишлаётган 30 мингдан ортиқ ходимга қўшимча таътиллар ўрнатилганким, корхона ва ташкилотларнинг 92 фоиздан кўпроғи нодавлат секторида фаолият кўрсатаётганлиги инобатга олинса, қайд этиб ўтилган даражага эришиш осон кечмаганлигини ва бу касаба уюшмалари танлаган йўл — ижтимоий шерикчилик йўлининг ўзига хос афзалликларини кўз ўнгимизда намоён этади. Айнан ижтимоий шерикчилик шарофати туфайли фақат ўтган йилнинг ўзида жамоа шартномалари орқали имтиёзли равишда 225 нафар ходим вилоят ва республика тиббиёт муассасаларида, дам олиш уйларида корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан соғломлаштирилди. Ушбу мақсадлар учун сарфланган маблағ 73,5 млн. сўмдан ошади.

**(Конференциялар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).**

# Касаба уюшмалари —



# Таҳлил, вазифа ва масъулият

(Давоми. Боши 1-бетда)

Турли корхона ва ташкилотларда ўтказилган текширишлардан битта хулоса чиқариш мумкин. Иш берувчилар қонун ҳужжатларини, ходимлар эса ўз ҳуқуқларини етарлича билмайди. Ҳозирги замон касаба уюшмалари олдига ҳуқуқий ҳимоя ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида ўз фаолиятини жадаллаштириш вазифасини қўймоқда.

Аксарият корхона ва ташкилотларда ходимлар жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномалари, буйруқлар билан таништирилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, меҳнат қонунчилигининг бузилиши асосан иш берувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқий билими пастлиги оқибатида содир бўлмоқда. Касаба уюшма аъзоларининг ариза ва мурожаатларига халқ билан ишлашнинг муҳим омили чифатида қараш лозим. Ташкилотга мурожаат қилган ҳар бир ходимнинг қонуний талаби қондирилиши керак.

Жорий йилдаги ҳисобот-сайловлар ҳар бир ходим учун ҳақиқий синов вазифасини ўтади. 2010 йилнинг январ-март ойларида 1259 та бошланғич ташкилотда, 1896 та цех касаба уюшма қўмитаси ва касаба уюшма гуруҳларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди. Апрел-май ойларида 33 та туман ва шаҳар кенгашлари (бирлашган қўмиталари), июн ойида 2 та тармоқ вилоят кенгаши ва 9 та марказий кенгаш вакилликларининг конференцияси ўтказилди. Уларда Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада юксалтириш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш борасидаги ҳаракатлари қўллаб-қувватланиб, касаба уюшмаларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари таҳлил қилинди ва вазифалари белгилаб олинди.

Унумли меҳнат ва баракали маош ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир. Ҳисобот даврида вилоят касаба уюшма ташкилотларининг «Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби»га биноан олиб борилган ишлар натижасида иш берувчиларга 306 та расмий талабнома қўйилган ва 3.528.376.900 сўм ундирилган.

2009 йил давомида корхоналар билан тузилган меҳнат шартномаси асосида 2558 та касаначи иш жойи ташкил қилинди. Ҳисобот даврида 3665 нафар фуқаро шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи аҳоли сифатида рўйхатга олинди, уларнинг барчасига меҳнат дафтарчаси очилди. Касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ҳам янги иш ўринлари очишга эътибор қаратилди. Жумладан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан ажратилган маблағ ҳисобига вилоятдаги 10 та кам таъминланган оилага 10 та қорамол олиб берилди ва ушбу фуқароларга меҳнат дафтарчаси очилди.

Аммо янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам камчиликлар мавжуд, режалаштирилган 16 та қўшма тадбирнинг 3 таси бажарилмаган. Бундан ташқари, туман ва шаҳарларда янги иш ўринлари яратилишини мувофиқлаштирувчи комиссиялар таркибига киритилган касаба уюшмалари вакилларининг айримлари ўз вазифасини ҳали тўлиқ тушуниб етмаган.

Касаба уюшмалари фаолиятининг яна бир йўналиши ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароити яратишдир. Ҳисобот даврида касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш масаласи 321 та корхонада ўрганиб чиқилди, режалаштирилган 2414 та тадбирнинг 2203 таси бажарилди ва бунинг учун 1 млрд. 666 млн. 326 минг сўм маблағ сарфланди. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ жароҳатланиши ва бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар иш берувчи томонидан ўз вақтида қопланиши бўйича 3 марта суд жараёни ўтказилди ва 24,8 млн. сўм маблағ боқувчисини йўқотган оилаларга ундириб берилди. Вилоятдаги 14 та корхонада 216 та иш жойи аттестациядан ўтказилди.

Ҳукуматимиз томонидан иш ҳақининг йилдан-йилга ошириб борилиши вилоят касаба уюшмалари ижтимоий суғурта бюджети даромадининг ошишига имкон яратди. Ҳисобот даврида 879 млн. 540 минг сўмга санаторий йўлланмалари олинди ва 4236 ходим дам олдирилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар меҳнат жамоаларида бехатар меҳнат шароитини яратиб бериш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бу борада жамоа шартномалари ва келишувлари имкониятидан тўлароқ фойдаланиш, маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, касаба уюшмалари уставларига ва ҳаракат дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби масалаларга эътибор қаратдилар. Йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост кўрсатилиб, касаба уюшма органларининг фаолиятига холис баҳо берилди.

Шундан сўнг делегатлар очиқ овоз бериш йўли билан Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг янги таркибини сайлашди. Ҳозиргача шу лавозимда ишлаб келган Камолиддин Оқбўтаев бирлашма раислигига қайта сайланди.

Конференцияда вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳром Бўронов, ЎзКУФК раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров иштирок этди ва соҳа ходимлари олдида турган устувор вазифалар ҳақида батафсил тўхталди.

**Ўз мухбиримиз**



## Сирдарё вилояти

# Кучли ижтимоий муҳофаза

**Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакиллиги томонидан ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Вакилликнинг 10 та бошланғич, 21 та цех ташкилотида жамоа келишуви ва шартномаларининг бажарилиши алоҳида назоратга олинган.**

Зарарли шароитда ишлаётганлар соғлигини муҳофазалаш, яхши дам олишини таъминлаш доимий эътиборда. 2010 йилнинг ўтган даврида 25 ходим санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. Ишчиларнинг 200 нафар фарзанди эса оромгоҳларда соғломлаштирилди. Вакиллик томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага мунтазам равишда кўмак бериб келинаяпти. Жумладан, боқувчисини йўқотган 12 та оилага 750 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилди. 5 та ёш оилага корхоналар ҳисобидан 1 млн. 200 минг сўмлик фоизсиз ссуда берилди, 16 нафар талабанинг контракт пули тўланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига ва иқтидорли талабаларга вакиллик ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан махсус стипендиялар ажратилди.

Жамоа шартномалари ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларнинг бажарилиши вилоят электр тармоқлари корхонаси, Сирдарё ИЭС, «Гулистон нефт базаси», «Фарҳод ГЭС» унитар корхонасида намунали йўлга қўйилган. Уларда маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида битимлар тузувчи келишув комиссиялари ташкил этилган. Ушбу келишувларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик қоидаларига риоя этишга оид бандлар ўрин олган. Келишув ва битимларга асосан 2009 йилда меҳнат муҳофазасига 104 млн. сўм маблағ сарфланди. Бу ўрта ҳисобда ҳар бир ишловчига 231 минг сўмдан тўғри келади. Ҳисобот даврида хизмат вазифасини бажараётганда оғир жароҳат олган ходимларнинг оиласига корхоналар томонидан 40 млн. сўмдан ортиқ товон ва нафақа пули тўлаб берилди. Бахтсиз ҳодисалар сабаблари махсус комиссиялар томонидан чуқур ўрганилиб, айбдорларга қонун доирасида чоралар кўрилди.

**Тоҳир УМАРҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакили**

***Эл-юрт фаровонлигини, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаш вилоят аграр соҳаси ходимларининг эзгу мақсадидир. Кейинги пайтларда сирдарёлик меҳнаткашлар пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунда вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгашига бирлашган 69 минг аъзонинг катта улуши бор.***

# Ютуқлар омили

Иш берувчилар билан тузилган 201 та жамоа шартномасига асосан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, хавфсиз иш шароити яратиб бериш, соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратилаяпти. Мисол учун, ишдан ноҳақ бўшатилган 7 нафар ходимнинг аризаси кенгаш томонидан ўрганилиб, улар ўз вазифаларига тикланди. Жамоа шартномалари асосида 190 та кам таъминланган оилага 5 млн. сўм моддий ёрдам ажратилди. 10 та ёш оилага 10 млн. 800 минг сўмлик фоизсиз ссуда берилди.

Вилоят тармоқ кенгаши томонидан ишчиларни соғломлаштириш, мазмунли дам олишини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 40 нафар ходимга санаторийда дам олиш учун имтиёзли йўлланма ажратилди. Тармоқ ходимларининг 1140 нафар фарзанди оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқарди.

**Юсуф ЎТАГАНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси**






***Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 52 та таълим муассасаси мавжуд. Улардан 47 таси касб-ҳунар коллежи, 4 таси академик лицей, 1 таси ўғил болалар махсус коллежидир.***

# Эзгулик мақсади билан

Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномалари асосида амалга оширилаяпти. Ўтган даврда 1138 та ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар вакилига 18 млн. 116 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Педагоглар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Яқинда бошқарма тасаррруфидаги таълим муассасаларининг 375 нафар ўқитувчи ва техник ходимлари Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлди. Бунинг учун бирлашган касаба уюшма қўмитаси бюджетидан 5 млн. 255 минг сўм ажратилди. Ўтган даврда педагоглар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиб чиққан 324 нафар ходимга 4 млн. 741 минг сўмлик мукофот тарқатилди. Шунингдек, фан олимпиадаларининг республика босқичи ғолиби бўлган 2 нафар ўқувчининг устозлари ҳам касаба уюшмаси қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди.

**Рустам АБДУСАЛОМОВ,**
**Сирдарй вилояти касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**





# Ходимлар манфаати устувор

**Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ислоҳотлар тармоқ касаба уюшмалари фаолиятига ҳам ўзгаришлар киритди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ўртасида жамоа келишуви қабул қилинган бўлиб, шу асосда иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида жамоа шартномалари тузилган.**

Уларда 16885 нафар ходимнинг манфаати қамраб олинган. Жамоа шартномалари ва келишувига асосан 1150 нафар ёш болали аёлга 35 соатлик иш ҳафтаси жорий этилган. 255 аёлга қўшимча таътил берилган. Ҳисобот даврида вилоят вакиллиги томонидан 74 ходимга 12 млн. 743 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. 113 нафар ёлғиз қария, кам таъминланган ходимлар ҳолидан хабар олиниб, 2 млн. 188 минг сўмлик озиқ-овқат берилди.

Вакиллик томонидан ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш алоҳида назоратга олинган. 2005-2010 йилларда вакилликка тармоқ ходимларидан 13 та ариза, 486 та оғзаки мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Ноқонуний ишдан бўшатилган 10 ходим вазифасига қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган вақти учун ҳақлари ундириб берилди. Соғлом авлодни камол топтириш, соғлом оилани шакллантириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти.

**Раъно АБДАЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили**

# Қонун ҳимоясида

**Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш», «Меҳнат кодекси», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

*Хусусан, ўтган йили 3473 та ҳолат бўйича камчиликлар аниқланиб, улар юзасидан иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган хўжалик субъектларининг 33 нафар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Бундан ташқари, бюджет муассасаларида ҳам режали текширишлар ўтказилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. 66 нафар мансабдор шахсга нисбатан молиявий жарима қўлланилди.*

*Инспекция ходимлари томонидан ўтказилган текширишларда асосий эътибор иш жойларида зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя этилишига қаратилди. Ўтган йили турли ташкилот, корхона ва муассасаларда рўй берган бахтсиз ҳодисалар натижасида 6 киши вафот этган, 15 киши турли даражада тан жароҳати олганлиги ҳам бу масала ҳамон жиддийлигича қолаётганини кўрсатади.*

*Текширишлар чоғида ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлиб қолган ишчи-ходимларга корхоналар томонидан 14 млн. сўмдан зиёд бирйўла тўланадиган товон пули ҳамда соғлиғига етказилган зарар учун тўловлар берилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар юзасидан меҳнат ҳуқуқи нозирлари томонидан судларга даъво аризалар киритилиб, ижобий натижаларга эришилди.*

*Ўтган давр мобайнида 13 та йирик корхонанинг 185 та иш ўрни ва меҳнат шароитлари текширилиб, шунингдек, «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги низом ижросини таъминлаш юзасидан 398 та корхонада мониторинг ўтказилди. Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижаси ўлароқ вилоятда 7696 нафар ходим ишлайдиган 25 та корхонани ўзига бирлаштирган жамғарма ташкил этилди.*

**А. НОРБОЕВ**

**Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Анорбой НОРҚУЛОВ ва Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ тайёрлади. Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар.**

